ЗАҲИРИДДИН
МУҲАММАД БОБУР
НОМИДАГИ АНДИЖОН
ДАВЛАТ УНИВЕРСИТЕТИ

ANDIJAN STATE
UNIVERSITY NAMED
AFTER ZAKHIRIDDIN
MUKHAMMAD BABUR

ИЛМИЙ ХАБАРНОМА

Серия: Гуманитар тадқиқотлар

SCIENTIFIC BULLETIN

Series: Humanitarian Studies

2020/ №5(49)

Андижон
2020 йил

Муассис:

Zahiriddin Muhammad
Bobur nomidagi
Andijon davlat universiteti

ИЛМИЙ ХАБАРНОМА.
Серия: Гуманитар тадқиқотлар

Журнал бир йилда
8 марта (серия 2 марта)
чоп этилади

Ўзбекистон Республикаси
Президенти Администрацияси
ҳузуридаги Ахборот ва Оммавий
коммуникациялар агентлиги
томонидан 2020 йил
17 августда 1097 рақами билан
рўйхатга олинган

Нашр индекси: 344

Нашр учун масъул:
Д.Неъматова

Журнал фалсафа, тарих,
филология, педагогика, кимё ва
биология фанлари бўйича Олий
аттестация комиссиясининг
диссертациялар натижалари юзасидан
илмий мақолалар эълон қилиниши
лозим бўлган нашрлар рўйхатига
киритилган.

Босишга рухсат этилди: 28.08.2020
Қоғоз бичими: 60x84 $^{1}/_{8}$.
Босма табоғи: 13,5.
Офсет босма. Офсет қоғози.
Адади: 110 дона.
Баҳоси келишилган нархда.
Буюртма №:

«Муҳаррир» нашриёти матбаа
бўлимида чоп этилди.

Тошкент шаҳри,
Сўгалли ота кўчаси 7-уй.

Таҳририят манзили:
170100, Андижон шаҳри, Университет кўчаси, 129.
Телефон: +998911602043. Факс: (374) 223-88-30
E-mail: adu_xabarnoma@mail.ru
Расмий сайт: www.xabarnoma.adu.uz

Таҳрир ҳайъати раиси:
Расулов Бахтиёр Махмуджонович – тарих фанлари доктори (Андижон, Ўзбекистон)

Фалсафа
Саифназаров Исмоил Саифназарович – фалсафа фанлари доктори, профессор (Тошкент, Ўзбекистон)
Иззетова Эмине Мустафаевна – фалсафа фанлари доктори, профессор (Тошкент, Ўзбекистон)
Маҳмудова Гули Тилабовна – фалсафа фанлари доктори, профессор (Тошкент, Ўзбекистон)
Юлдашева Фарида Хужамқуловна – фалсафа фанлари доктори, (Андижон, Ўзбекистон)
Когай Евгения Анатольевна – фалсафа фанлари доктори, профессор (Курск, Россия)
Нуришева Гульжихан Жумабаевна – фалсафа фанлари доктори, профессор (Олмота, Қозоғистон)
Шарипова Эркайим Козуевна – фалсафа фанлари доктори, профессор (Ўш, Қирғизистон)

Тарих
Шамсутдинов Рустамбек Темирович – тарих фанлари доктори, профессор (Андижон, Ўзбекистон)
Исҳоқов Мирсодиқ Мирсултонович – тарих фанлари доктори, профессор (Тошкент, Ўзбекистон)
Асқаров Аҳмадали Асқарович – тарих фанлари доктори, ЎзР ФА академиги (Тошкент, Ўзбекистон)
Расулов Абдулла Нуритдинович – тарих фанлари доктори, профессор (Наманган, Ўзбекистон)
Амелин Веналий Владимирович – тарих фанлари доктори, профессор (Оренбург, Россия)
Койгелдиев Мамбет Кулжабаевич – тарих фанлари доктори, профессор (Олмота, Қозоғистон)
Кененсариев Ташманбет Кененсариевич – тарих фанлари доктори, профессор (Бишкек, Қирғизистон)

Адабиётшунослик
Йўлдошев Қозоқбой Бойбекович – педагогика фанлари доктори, профессор (Гулистон, Ўзбекистон)
Тўхлиев Боқижон – филология фанлари доктори, профессор (Тошкент, Ўзбекистон)
Каримов Баҳодир Нурметович – филология фанлари доктори, профессор (Тошкент, Ўзбекистон)
Қосимов Абдуғопир Абдукаримович – филология фанлари доктори (Фарғона, Ўзбекистон)
Ҳамдамов Улуғбек Абдуваҳобович - филология фанлари доктори (Тошкент, Ўзбекистон)
Кунафин Гиниятулла Сафиуллович – филология фанлари доктори, профессор (Уфа, Россия)
Ҳусейн Бойдемир – филология фанлари доктори, профессор (Эрзрум, Туркия)
Абдуқодиров Абдусалом – филология фанлари доктори, профессор (Хўжанд, Тожикистон)
Вали Саваш Йелок – филология фанлари доктори (Анқара, Туркия)

Тилшунослик
Маҳмудов Низомиддин Мамадалиевич – филология фанлари доктори, профессор (Тошкент, Ўзбекистон)
Ҳошимов Ғанижон Мирзаахмедович – филология фанлари доктори, профессор (Андижон, Ўзбекистон)
Менглиев Бахтиёр Ражабович – филология фанлари доктори, профессор (Тошкент, Ўзбекистон)
Шаҳобиддинова Шоҳида Ҳошимовна – филология фанлари доктори, профессор (Андижон, Ўзбекистон)
Набиева Дилора Абдулҳамидовна – филология фанлари доктори, профессор (Андижон, Ўзбекистон)
Алифриенко Николай Федорович – филология фанлари доктори, профессор (Москва, Россия)
Зулпикаров Капар Зулпикарович – филология фанлари доктори, профессор (Ўш, Қирғизистон)
Бердиалиев Абдували – филология фанлари доктори, профессор (Хўжанд, Тожикистон)
Фатма Очик – филология фанлари доктори, профессор (Анқара, Туркия)

Муҳаррир:
Д.Ҳ.Қуронов, филология фанлари доктори, профессор

МУНДАРИЖА

ФАЛСАФА

М.Н.АБДУЛЛАЕВА, Г.Ғ ҒАФФАРОВА
Муҳаббат муаммоси замонавий фалсафа призмасида 5

Г.Т.МАҲМУДОВА
«Таълимдан – дунёқарашга» ижтимоий тараққиёт парадигмаси 10

А.А.ЭГАМБЕРДИЕВ
Олий таълим трансформациясини тадқиқ этишнинг айрим назарий муаммолари.....17

ТАРИХ

М.Ғ.АБДУЛЛАЕВ
«Бобурнома» асарида хронология ва метрология.....25

Г.Б.НОРМУРОДОВА
Бухоро жадидлари ижтимоий бирдамлик йўлида 33

А.МАМАЖОНОВ
Юртдошларимизнинг Европа ҳудудида фашизмга қарши курашдаги иштироки.....40

Н.Б.КОМИЛОВ
Жадид Обиджон Маҳмудовнинг ижтимоий-сиёсий ва иқтисодий қарашлари 47

М.Ҳ.ҒОЗИЕВ
Фарғона водийси чорвачилиги тарихидан (XIX аср охири – XX аср бошлари).....55

А.А.АБДУХАЛИМОВ
Фарғона водийси қишлоқларида умумтаълим мактаблари.....61

АДАБИЁТШУНОСЛИК

Д.Ч.ИГАМУРАТОВА
А.Некрасовнинг «Капитан Врунгелнинг саргузаштлари» қиссасидаги
«гапирувчи» номлар таржимасининг ўзига хосликлари.....68

Н.Х.ШАРАФИДДИНОВА
Ритмо-фонетик фигура компонетлари ва уларнинг ўрни 76

ТИЛШУНОСЛИК

Ш.Х.ШАҲОБИДДИНОВА, Д.Ш.ЭГАМНАЗАРОВА
Гапнинг актуал бўлиниши назарияси тадқиқининг
тарихи ҳамда асосий йўналишлари 84

Н.Д.ШИРИНОВА
Инглиз ва ўзбек тилларида предметлик ва белги-хусусият
маъноларини фарқлашда градуонимик муносабатлар 93

Г.З.РОЗИҚОВА
Маҳмуд Кошғарий «Девон»ида шахс денотатли лексемалар синонимияси.....102

Ў.Ҳ.ИСЛАМОВ
Фасоҳатли нутқни юзага келтирувчи омиллар.....109

Ш.М.СУЛТОНОВА
Диний лексика диний фразеологик бирликларнинг таркибий қисми сифатида.....115

Д.А.РУСТАМОВ
Лисоний қиймат ва мулоқот жараёни.....122

Д.Н.САТИМОВА
Инглиз ва ўзбек тилларида сленг-лексема ва унинг семик таҳлили 130

Н.Р.АМОНТУРДИЕВ
Ўзбек тилининг умумий изоҳли луғатларида этнолексемалар берилишининг қиёсий таҳлили 138

D.A.SOBIROVA
Bolalar she'riyatida alliteratsiya 145

CONTENTS

PHILOSOPHY

M.N.ABDULLAEVA, G.G.GAFFAROVA
The cognitive system of sufism in the prism of modern philosophy 5

G.T.MAKHMUDOVA
From education to worldview is a paradigm of social development 10

A.A.EGAMBERDIEV
Study of some theoretical problems of higher education transformation..... 17

HISTORY

M.G.ABDULLAEV
Chronology and metrology in «Babur-name» 25

G.B.NORMURODOVA
Jadids of Bukhara on the way to social solidarity 33

A.MAMAJONOV
Participation of our countries in the struggle against fascism in Europe 40

N.B.KOMILOV
Socio-political and economic views of jadid Obidjon Makhmudov 47

M.H.GOZIEV
Ferghana valley livestock history (End of the XIXth - beginning of the XXth) 55

A.A.ABDUKHALIMOV
Secondary schools in the villages of the fergana valley 61

LITERARY STUDIES

D.Ch.IGAMURATOVA
Peculiarities of the translation of «speaker» names in A.Nekrasov's story «The adventures of captain Vrungel» 68

N.X.SHARAFIDDINOVA
Components and the place of rhithm-phonetic figures 76

LINGUISTICS

Sh.H.SHAHOBIDDINOVA, D.Sh.EGAMNAZAROVA
History and main directions of the study of the theory of the actual division of the sentence 84

N.D.SHIRINOVA
Gradual relations in demarcation of substance and attributive meanings in english and uzbek languages..... 93

G.Z.ROZIKOVA
Synonymy of lexemes with person denotatum in «Devon» of Mahmud Koshgari 102

O'.H.ISLAMOV
The factors creating eloquent speech 109

SH.M.SULTANOVA
Religious vocabulary as an integral part of religious phraseological units 115

D.A.RUSTAMOV
Language value and the communication process 122

D.N.SATIMOVA
Slang-lexeme and its semantic analysis in uzbek and english..... 130

N.R.AMONTURDIEV
Comparative analysis of the presentation of ethnolexemes in general dictionaries of the uzbek language 138

D.A.SOBIROVA
Alliteration in children's poetry..... 145

УДК: 81`1:008:2-279

ДИНИЙ ЛЕКСИКА ДИНИЙ ФРАЗЕОЛОГИК БИРЛИКЛАРНИНГ ТАРКИБИЙ ҚИСМИ СИФАТИДА

Ш.М.Султонова

Мақолада мифология ва дин таъсири остида тилда шаклланган диний лексика диний фразеологик бирликларнинг муҳим компоненти сифатида таҳлил қилинади. Дунё тилшунослигида дин ва фразеология ўртасидаги алоқани ўрганишга бағишланган ишлар қисқача таҳлил қилинади, диний фразеологизмлар таркибида иштирок этувчи ўзбек ва рус тилларидаги диний лексика мавзу жиҳатдан таснифланиб, лексик сатҳ ижтимоий чекланган лексикадан умумхалқ ишлатадиган лексикага ўтиб бораётгани ва қўлланиш соҳаси кенгайиб бораётганлиги ҳақида сўз юритилади.

Калит сўзлар: *диний лексика, диний фразеологизм, тил, дин, лексик қатлам, лексема, религиолект.*

В статье анализируется религиозная лексика, сформировавшаяся в языке под влиянием мифологии и религии как важная составляющая религиозных фразеологизмов. Краткоанализируются работы, посвященные изучению соотношения религии и фразеологии в мировой лингвистике, в частности, исследования узбекского языкознания по данной теме, тематически классифицируется религиозная лексика в узбекском и русском языках, как составная часть религиозных фразеологизмов. Также в работе идет речь о переходе данного пласта лексики от социально ограниченной к общеупотребительной и расширении области их применения.

Ключевые слова: *религиозная лексика, религиозный фразеологизм, язык, религия, лексический пласт, лексема, религиолект.*

Диний лексика ҳар бир тилда мифология ва дин таъсири остида шаклланган, етарлича кенг қамровга эга бўлган ўзига хос луғат қатлами ҳисобланади. Мазкур лисоний феномен, яъни диний лексика, ҳар қандай жамият мавжудлиги даврининг ажралмас қисми, инсоният тараққиётининг муҳим омили, шунингдек, ўтмиш аждодларнинг орттирган тажрибаларини сақлаш шаклларидан бири сифатида олимларнинг эътиборини тортиши табиий. Бундан ташқари диний лексика нисбатан барқарорлиги ва ёзма кўринишда қайд қилинганлиги жиҳатидан халқнинг маданий ёдгорлиги сифатида тавсифланиши мумкин.

Ҳозирги кундаги қатор жамиятларнинг (асосан ғарбдаги) ўзига хос хусусиятларидан бири инсон турмушининг барча жабҳаларида кузатиладиган секуляризация (дунёвийлаштириш) ҳисобланади. Бироқ ўтган асрнинг охирларида ва ҳозирда замонавий миллий тилларда асосий диний тушунчаларни ифодаловчи компонентлар иштирок этган фразеологик бирликлар фаоллашгани диннинг халқлар ҳаётида муҳим аҳамият касб эта бошлаганига ишора қилади. Хусусан, мамлакатимизда ҳам мустақилликдан сўнг кейинги давр ичида диний-фалсафий матнларнинг жамият ҳаётидаги роли ортиши билан боғлиқ ҳолда динга оид сўзлар ва фразеологизмларни қўллаш ҳолати фаоллашгани кузатилмоқда.Тилда бундай компонентли фразеологик бирликлар хусусиятлари ва миқдори маълум мамлакатдаги ҳукмрон бўлган эътиқоднинг диний таълимотлари билан мослашмай иложи йўқ. Мазкур фикр «лисоний жамиятнинг кундалик амалий ва маънавий тажрибаси» таъсири остида шаклланувчи тил аспекти ҳисобланган фразеологиянинг моҳияти билан тақозоланган [1. Б. 13].

Дунё тилшунослигида дин ва фразеология ўртасидаги алоқани ўрганишга уринишлар бўлган. Масалан, Л.Л.Григорьева рус, инглиз ва араб тиллари эгаларининг диний оламини акс эттирувчи фразеологик бирлик (ФБ)ларни ҳозирги кунда долзарб ҳисобланган лингвокультурологик парадигма доирасида тадқиқ қилган [2].

Е.Е.Чикина эса христианлик билан боғлиқ турли экстралингвистик реалияларни номловчи компонентлар иштирок этган ФБларни лингвокультурологик ёндашувдан ташқари лингвомамлакатшунослик жиҳатдан ҳам ўрганади [3. Б. 11]. Унинг фикрича, лисоний миллий онг (муаллиф қўллаган термин) томонидан иккиламчи номлаш жараёнида мувофиқ лексик бирликларнинг қўлланилиши лисоний олам манзарасидаги христиан маданияти элементларининг аҳамияти тўғрисида гувоҳлик беради [3. Б. 183].

С.В.Булавинанинг тадқиқот иши рус ва испан тиллари таркибида диний лексика иштирок этган ФБларни ўрганишга бағишланган бўлиб, ишда фразеологияда католик ва православ диний таъ-

лимотларининг фарқлари акс этишига оид баъзи мулоҳазалар билдириган [4].

Қардош бошқирд тилида диний лексикани тадқиқ қилган З.Р.Хафизова уларни қуйидаги мавзуий гуруҳларга бўлади:

1) дин билан боғлиқ мавжудотлар ва ҳодисалар номлари;

2) инсонларнинг эътиқоди, диний маслак ва қарашларига нисбатан номлари;

3) диний лавозимлар номлари;

4) диний маросимлар ва улар билан боғлиқ тушунчалар номлари;

5) геортонимлар (байрамлар номлари);

6) ибодат ва диний амаллар учун мўлжалланган предметлар номлари;

7) ибодат ва диний амаллар учун мўлжалланган бино ва иншоотлар, предметлар ҳамда уларнинг қисмлари номлари;

8) диний матнлар номлари;

9) диний кийимлар номлари;

10) диний компонентли антропонимлар;

11) диний мазмунга эга бўлган мавҳумлашган тушунчалар;

12) диний компонентли турғун бирикмалар;

13) диний ақидалар, диний ташкилотлар ва бирлашмалар;

14) бирламчи маъносини йўқотган диний лексемалар [5. Б. 206 – 209].

Мазкур тематикага оид бажарилган ишлар бўйича келтирилган умумлаштирувчи маълумотдан келиб чиқиб айтиш мумкинки, фразеологиянинг диний таълимот билан боғлиқлиги масаласини ёритиш мақсадида турли тиллардаги ФБлар атрофлича ўрганилган. Бироқ ўзбек тилидаги диний фразеологизмларни махсус ўрганишга бағишланган фундаментал ишларнинг мавжуд эмаслигини таъкидлаш зарур. Ваҳоланки, тарихий тараққиётнинг маълум даврида ислом дини ўзбек халқи ҳаётида муҳим роль ўйнаганлигини унутмаслик лозим.

Мамлакатимизда сўнгги йиллардаги ижтимоий ва сиёсий вазиятда юз бераётган ўзгаришлар натижаси ўлароқ тадқиқотчилар учун диний лексиканинг тил тизимидаги ўрнини ўрганиш имкониятлари кенгайди. Мазкур лексик қатламни турли нуқтаи назардан ўрганган ўзбек олимларидан Н.М.Улуқов (ўзбекча диний матнлардаги экзотик лексика) [6], М.Умархўжаев (диний услуб ва диний терминология) [7], Ш.С.Сирожиддинов (ўзбек классиклари ижодида диний-фалсафий таълимот) [8], Ш.Т.Маҳмараимова (теоморф метафораларнинг когнитив аспекти) [9], Ш.М.Султонова (муқаддас матнларда замон категорияси) [10], М.Р.Галиева (оламнинг лисоний манзарасида мифологик-диний онг) [11] кабиларнинг илмий ишлари фикримизнинг далили бўла олади. Жумладан, ўзбек тилидаги диний матнлар экзотик лексикасининг илмий-назарий жиҳатдан чуқур таҳлилини амалга оширган Н.М.Улуқов мазкур луғавий бирликларни қуйидаги мавзуий гуруҳларга ажратади: 1. Экзотик сўзлар. 2. Экзотик атоқли отлар. 3. Экзотик фразеология [6. Б. 13 – 14].

Диний фразеологик бирликларнинг луғатларда акс этиши масаласига келсак, Ўзбекистонда махсус диний фразеологик луғат ҳали яратилмаган. Мавжуд ўзбек тилининг фразеологик луғатларида келтирилган диний фразеологизмлар эса тилдаги мавжуд ҳажмни тўлиқ қамраб олмаганини кўриш мумкин [12, 13]. Ваҳоланки, диний фразеологик бирликлар тилнинг фаол қатламидан ўрин олган, десак муболаға бўлмайди. Ҳар бир инсон уйқудан тургандан то кунлик фаолиятини тамомлаб, уйқуга ётгунга қадар Худо (Аллоҳ) номи иштирок этган дуо кўринишидаги ибораларни зикр қилиб юради. Демак, айтиш мумкинки, ўзбек тилидаги диний фразеологик бирликларнинг тадқиқи масаласи ечимини кутаётган муаммолардан биридир. Биз эса диний фразеологизмлар таркибида асосий компонент бўлиб келувчи диний маркерланган сўзлар – диний лексика хусусида сўз юритамиз. Диний компонентли фразеологизмлар тадқиқи эса келгусидаги ишларимизда кўзда тутилган.

Қизиғи шундаки, таркибида диний лексика мавжуд фразеологик бирликлар кўплаб тилларда, хусусан, баъзи қардош туркий тилларда атрофлича ўрганилганлиги, айниқса, айнан ўша тил эгалари эмас, бошқа тилда сўзловчи олимлар томонидан таҳлилга тортилганлиги бизни бироз масъулиятли бўлишга ундайди. Ваҳоланки, маълум тилни она тили деб билгувчи, туғилгандан бошлаб унинг нозик қирраларигача онгига жо қилиб олган тил эгаси томонидан ўрганилган лисоний ҳодисалар асл тасаввурларни намоён қилиши билан қадрлидир.

Нафақат ўзбек тилидаги фразеологизмлар таркибида келувчи диний лексика, балки рус тилидаги мувофиқ бирликларни ҳам таҳлил қилиш зарурати мавжуд. Ваҳоланки, ҳар икки тилдаги диний фразеологик бирликлар кўп жиҳатдан умумийликни намоён қилади.

Диний фразеологизмлар таркибида иштирок этувчи диний лексикани қуйидагича таснифлаш мумкин:

1. Яратувчининг номлари. Мазкур мавзуий гуруҳга илоҳий номлар киради. Ўзбеклар бошқа барча мусулмон халқлар каби олий зот, сажда қилишнинг бош объекти бўлган Яратувчини *Аллоҳ* деб аташади (*Аллоҳга шукр; Аллоҳ билгувчи; Аллоҳ ҳақи* ва ҳ.к.). Аллоҳ ҳар ишга қодир, ўз иродасига кўра оламни яратган ва уни бошқариб турувчи илоҳ сифатида идрок қилинади. Ўзбек тилида *Аллоҳ* сўзи бош ҳарф билан ёзилади ҳамда қатор туркий тиллардаги каби *Худо, Аллоҳ Таоло,*

Парвардигор, Рабби каби вариантларга эга (*Худо берган; Худо билади; Худога топширмоқ; Худога шукур; Худо ёрлақади; Худо кўп кўрди; Худо кўрсатмасин; Худо кўтарсин; Худонинг берган куни; Худо олсин; Худо сақласин; Худо урган; Худо урди; Худо урди-кетди; Худо урдими; Худо урсин; Худо хайр берсин; Худо хоҳласа; Худо ҳақи* ва ҳ.к.). *Илоҳ* сўзи ҳам *Аллоҳ* сўзи билан синоним сифатида қўлланилиши маълум бўлиб, бунинг ўзбек ва бошқа баъзи туркий тиллардаги луғатларда акс этганини кўриш мумкин [7. Б. 76].

Соф туркий ҳисобланган *Яратган* лексемаси *Эгам* лексемаси билан кўпроқ қўлланади ва ҳар икки лексема ҳам бир объект номига ишора қилган ҳолда маъно кучайишига хизмат қилади: «*Яратган эгам!*». Форс-тожик тилларидан ўзлашган, кўпроқ сўзлашув услубига хос *Худо* сўзи ҳам ўзбек тили диний лексикасининг марказий лексемаларидан ҳисобланади. Баъзан эса *Аллоҳ Таоло* ўрнига *Худо Таоло* бирикмаси ҳам ишлатилишини кузатиш мумкин. Шунингдек, ўтмишда *кўк, само* сўзлари ўзбеклар учун *Тангри* сўзига синоним сифатида қўлланган ҳамда унинг мавжуд бўлиш макони тўғрисидаги инсонларнинг тасаввурини ифодалаган (*Тангрига таваккал*).

Рус тилида эса *Бог* лексемаси марказий ўринни эгаллайди (*Бог свидетель; Слава Богу; Не дай Бог; Бог в помощь; Неисповедимы пути Господни* ва ҳ.к.). Шунингдек, *Царь славы, Князь мира, Отец Небесный, Небо, Всевышний, Вседержитель, Жизнедавец, Всемогущий, Заступник, Зиждитель, Господь, Господь Бог, Предвечный, Провидение, Создатель, Творец, Сила, Вездесущий, Царь Небесный* ва ҳ.к. синонимлари мавжуд. Яна эътиборлиси шуки, христиан динида Худога тенглаштирилган зотлар номи ҳам мавжуд: Исус (Худонинг ўғли) ва Святой Дух (Муқаддас Руҳ) *Христа ради*; *Христа ради жить; Вот тебе (те) Христос; Христом богом просить (или молить); Как у Христа за пазухой* ва ҳ.к.).

2. Пайғамбарлар, уларнинг сафдошлари, ғайритабиий кучга эга бўлган мавжудотлар номлари.

Мазкур семантик гуруҳга *пайғамбар, фаришта, малойик, малак, саҳоба, анбиёлар, ҳур қизлар (фаришта қизлар), ғилмонлар (жаннатдаги ёш йигитлар), Одам Ато, Момо Ҳаво, Муҳаммад с.а.в.* ва б. киради. Таъкидлаш жоизки, ушбу сўзларнинг барчаси араб тилидан келиб чиққан (*ҳур кетмоқ; Одам Атодан қолган; уйнинг фариштаси; Хизрни йўқласанг, ҳозир бўлади; Мусонинг аламини Исодан олмоқ, Сулаймон ўлиб, девлар қутулибди* ва ҳ.к.).

Рус тилида ушбу гуруҳни *пророк, апостол, Фома, Матфей, Иаков Алфеев, Фаддей, Ангел, Серафим, Херувим, Мафусаил, Ангел-хранитель, Архангел, Исус, Мухаммед, Соломон, Адам* ва *Ева*, шунингдек, *Богоматерь* (Исонинг онаси) ва ҳ.к. ташкил қилади (*мудрый, как Соломон; мафусаилов век; Фома неверующий; Ангелы небесные; Если Магомед не идет к горе, то гора идет к Магомеду* ва ҳ.к.).

3. Ёвуз кучларни англатувчи персонажлар номлари.

Мазкур гуруҳга шайтон, иблис, жин, Мункарнакир, Азроил, Дажжол ва б. лексемаларни киритиш мумкин (шайтон васвасаси; шайтоний ҳирс; шайтони лаин; жин урмоқ; жин чалмоқ; жини қўзимоқ; жини суймас; Мункарнакир гурзисидек ва ҳ.к.). Ушбу персонажлар диний манбаларда ўзига хос тасвирланган ва кўпчилик улар ҳақида етарлича маълумотга эга ҳамда кишилар томонидан Аллоҳга қарама-қарши кучлар сифатида талқин қилинади. Буларнинг ичида шайтон ва жин сўзлари фаол қўлланилади. Масалан, сўзлашув ва фольклорда кўпинча «жин кампир», «ажина» каби лексемаларни кўп учратиш мумкин.

Рус тилида: *дьявол, демон, сатана, черт, водяной* ва ҳ.к. лексемаларни кўрсатиш мумкин (*муж и жена – одна сатана; черт побери; чертовски хороша; продать душу дьяволу* ва ҳ.к.).

4. Мифологик персонажлар номлари.

Ушбу гуруҳга *Учар Тулпор, Сув париси, Албасти, Аямажуз (Азиз Момо)* ва б. лексемалар киради (*албасти кампир; Аямажуз шамоли; Аямажуз совуғи; Азиз Момо кунлари* ва ҳ.к.).

Рус тилида: *Русалка, Домовой, Кассиопея,- Дионис, Геракл (Геркулес), Кентавр (Центавр), Титаны, Циклопы* ва ҳ.к. лексемалар ушбу гуруҳни ташкил қилади (*поймать русалку за хвост; как с русалки вода; русалка – не рыба, молчать не будет*ва ҳ.к.).

5. Нариги дунё билан боғлиқ жой ва воқеалар номлари.

Ушбу семантик гуруҳ ўзбек тили теонимик лексикасининг анча қисмини ўз ичига олади: *охират, жаннат, дўзах, маҳшар, заққум, қилқўприк, қиёмат, кавсар булоғи, охир замон,* шунингдек, Худо, пайғамбарлар ва авлиёлар амалга ошира оладиган ғайритабиий ишлар *каромат*, *мўъжиза қиёмат-қойим қилмоқ, қиёматгача қараз; қиёматлик дўст; жаннати инсон; жаннатмакон ер; жаннат эшиклари; жаннатбахш роҳат; охирати куймоқ; охирати обод бўлсин; дўзах олови; дўзахи инсон; дўзах азоби; маҳшар куни; заҳар-заққум ютмоқ; Худонинг каромати билан; каромат кўрсатмоқ; мўъжиза кўрсатмоқ* ва ҳ.к.)

Ўзбек лисоний олами манзараси учун икки дунё тушунчаси хос – *бу дунё* ва *у дунё.* Ўзбеклар ушбу дунёларни фоний (ўткинчи) ва боқий (абадий) дунёлар ҳам дейишади. Мазкур икки дунё бевосита инсоннинг тириклигидаги ҳаётий дунёси

билан боғлиқ ва бу дунёдаги турмуш қонунларини акс эттиради. «Бу дунё» концепти тирик одамлар яшаётган маконларни ва қайсидир вақт оралиғида одамларнинг шу маконда ўтаётган ҳаёт йўлини ўз ичига олади. Инсон ўзбек лисоний олами манзарасида меҳмон сифатида идрок қилинади ва ўзбеклар онгида у (нариги) дунё ҳақиқий ва боқий дунё сифатида ўрин олган. Шундай қилиб, мазкур концептни макон-замон кесишувида ўрганиш мақсадга мувофиқ. Зеро, у Ер сайёраси ҳудуди билан чегараланган бўлса, замонда инсон ҳаёти билан чегараланади. Бошқача айтганда, «бу дунё» тушунчаси борлиқнинг «туғилиш», «ҳаёт», «ўлим» каби қисмлари, шунингдек, бошқа гносеологик ва онтологик концептлар билан боғлиқ.

«У (нариги) дунё» концепти ирреал хусусиятга эга бўлиб, тилда *охират, жаннат, жаҳаннам, дўзах* каби лексемалар билан объективлашади. У аниқ ифодаланган ядрога эга эмас, аммо ҳажман бир-бирига тенг келадиган, бироқ коннотатив хусусиятига кўра қарама-қарши ҳисобланган компонентни ўз ичига олади: *жаннат* ва *жаҳаннам.* Биринчиси ёрқин ифодаланган ижобий бўёққа эга бўлса, иккинчиси акс маънони ифодалайди.

Диний тасаввурларга кўра жаннат тақводорлар ўлимидан сўнг уларнинг руҳлари роҳат-фароғатда яшашлари мумкин бўлган жой сифатида тасвирланади ҳамда гуноҳкорлар ўлимидан кейин абадий азобларга дучор бўладиган жой сифатида дўзахга қарама-қарши қўйилади. Самода жойлашган жаннатдан фарқли ўлароқ, жаҳаннам ер остида жойлашган дея талқин қилинади. Таҳлил қилинаётган концептлар ўзбек лисоний олами манзарасининг асосий онтологик концептларига киради дейиш мумкин, чунки улар ўзларида замон ва макон, ҳаёт ва ўлим, яхши ва ёмон, савоб ва гуноҳ каби тушунчаларнинг моҳиятини акс эттириш билан бирга, инсоннинг жамиятдаги хулқ-атвори, хатти-ҳаракатига таъсир ўтказиш ва турмуш тарзини белгилаб бериш вазифасини ҳам бажаради.

Рус тилида: *загробный мир, иной мир; Грядущий мир, Царство мёртвых, Тот свет, Мир иной, Царство небесное; потусторонний мир, подземный мир, Река Стикс* (нариги дунёдаги дарё номи),*Тартар* (тубсиз жарлик номи) ва ҳ.к. (*райское наслаждение; изгнание из рая; «райский» наряд; адские боли; адский труд; врата тартара; провалиться в тартары; уйти на тот свет; расставаться/расстаться со здешним светом; исчезать/исчезнуть с лица земли; отойти в мир иной; отправляться/отправиться на тот свет; уходить/уйти в лучший мир; отойти к лучшей жизни; отойти на тот свет; уходить/уйти в небытие; уходить/уйти в мир иной; отойти от мира (сего); оставить мир; уходить/уйти из жизни; оставить (сей) свет; расставаться/расстаться с жизнью; пусть ему хорошо будет на том свете; отойти в горний мир; переселиться в лучший (иной) мир* ва ҳ.к.) юқоридаги гуруҳ сўзларига аналог бўла олади.

6. Диний-конфессионал терминлар.

Бу гуруҳга ўзбек тилида теонимик лексиканинг арабизмлардан иборат анча йирик тўплами киради: *дин, эътиқод, дуо, васият, ваъз, қисмат, гуноҳ, мазҳаб, тасаввуф, Қуръон, жузъ, оят, пора, сура, тафсир, ҳадис* ва ҳ.к (*дин пешволари; эътиқоди мустаҳкам; дуоибад қилмоқ; ваъз ўқимоқ; гуноҳи азим; Қуръони карим; аччиқ қисмат* ва ҳ.к.).

Рус тилида: *религия, вера, верование, молитва, участь, грех, конфессия, Библия, псалом, притча* ва ҳ.к (*вашими молитвами; совершить грех; Песнь песней Соломона; Ветхий Завет, Новый Завет; ад кромешный, вера мертва (нема), Деяния святых апостолов; перед Богом. Веру к делу применяй, а дело к вере. Без веры Господь не избавит, без правды не спасет (не исправит)* ва ҳ.к.).

7. Кишиларнинг эътиқодига кўра номланиши.

Ушбу гуруҳда диний лексиканинг икки семантик тоифаси ажратилади: а) мусулмонлар: *мусулмон, мўмин, пайғамбар, устоз, шайх, муаллим, аллома, олим, сўфи, мулла, валий, шаҳид* ва ҳ.к.; б) мусулмон бўлмаганлар: *ғайридин, кофир, иймонсиз, малъун, муртад* ва ҳ.к. (*мусофир бўлмагунча, мусулмон бўлмайсан; устози аввал; сўфи Билол; шаҳид кетмоқ* ва ҳ.к.).

Шу ўринда аллома (олим) сўзининг аввал Ислом илмини тўлиқ ўрганган шахсга нисбатан қўлланган, ҳозирги кунда эса дунёвий илм эгаси маъносида ҳам параллел қўлланилишини айтиш лозим.

Рус тилида: *монах, архиепископ, монахиня, пастор, святой отец, крестный, патриарх* ва ҳ.к. (*постричься в монахи; жить монахом* ва ҳ.к.)

8. Ибодат, диний маросимлар, диний байрамлар ва бошқалар билан боғлиқ лексика.

Мазкур лексик-семантик гуруҳни бир неча кичик гуруҳларга бўлиш мумкин.

1. Диний таълимот ва қарашлар билан боғлиқ иш-ҳаракат ва жараёнлар: *никоҳ, намоз, маъруза, тақдир, рўза, закот, фарз, жаноза, худойи, садақа* ва ҳ.к. (*тақдир тақозоси билан; рўза тутмоқ; намоз ўқимоқ; закот бермоқ, садақаи сар; садақаи радди бало* ва ҳ.к.)

Рус тилида: *крещение, пост, поминки* ва ҳ.к. (*крещенские морозы; великий пост; поминальный стол; поминать добрым/недобрым словом; не поминать лихом; нет и в помине* ва ҳ.к.).

2. Ибодат ва маросимлар учун мўлжалланган

предметлар номлари: Қуръон, жойнамоз, тасбеҳ, кафан, оби замзам ва ҳ.к (*кафан бичмоқ; тасбеҳ ўгирмоқ; Қуръони карим*).

Рус тилида: *свеча, алтарь, идол* ва ҳ.к. (*бенгальская свеча; игра стоит свеч; искровая свеча; калильная свеча; пока горит свеча; свеча зажигания; свеча накаливания; ужин при свечах*ва ҳ.к.).

3. Ибодат ва маросимлар учун мўлжалланган бино ва иншоотлар, уларнинг қисмлари, диний ташкилотлар номлари. Ушбу мавзуий гуруҳга қуйидагиларни киритиш мумкин: *мадраса, Каъба, масжид* ва ҳ.к (*кўнгил Каъбаси; мачитнинг чироғини ўғирламоқ*).

Рус тилида: *церковь, Иеруссалим, храм* ва ҳ.к. (*заложить церковь; пятиглавая церковь; Иерусалимские слёзы* ва ҳ.к.)

4. Диний байрамлар номлари. Шу ўринда айтиш лозимки, кўплаб туркий халқлар учун байрам сўзи умумий ҳисобланади. Диний байрамлар мусулмонлар ҳаётида кўп эмас, бошқа дунёвий байрамлар билан параллел равишда халқ ҳаётининг муҳим асосларидан ҳисобланади: *Рамазон Ҳайит* ва *Қурбон Ҳайит* байрамлари энг муҳим байрамлар ҳисобланади. Қолган тадбирлар эса анъанавий ташкил қилинадиган йиғинлардан иборат: *лайлатул қадр кечаси, мавлуд, жума оқшоми* ва ҳ.к.

Рус тилида: *пасха, Рождество Христово, Преображение Господне,Успение Пресвятой Богородицы* ва ҳ.к. (*на турецкую пасху; пасхальный агнец*ва ҳ.к.).

Таъкидлаш лозимки, мусулмон байрамларининг ўзига хос хусусияти турли хил ҳашаматлардан ҳоли эканлиги ва тарбиявий аҳамияти юқорилигидадир.

5. Диний қонун-қоидаларга тўғри келмайдиган, уларни инкор қиладиган тушунчалар номлари: *мурдор, никоҳсиз (ҳароми), фосиқ, ношаърий* ва ҳ.к. (*ношаърий бола; фосиқ банда*).

Рус тилида: *безбожный, неверный, порочный* ва ҳ.к. (*безбожный человек; порочный круг* ва ҳ.к.).

Диний лексика тавсифида илоҳиётга оид сўзлар ва религиолектизмларни фарқлаш лозим. Религиолект тил системасининг нисбатан барқарор, ижтимоий маркерланган сатҳи бўлиб, эътиқодчиларнинг чекланган гуруҳига – маълум диний жамият аъзолари учун хизмат қилади. Религиолект лексик ва фразеологик сатҳларда оламнинг теоцентрик манзарасини акс эттиради [14. Б. 115].

Регионолектизмларнинг ҳозирги замон адабий тилида эквивалентлари мавжуд, аммо сўзловчи аниқ коммуникатив вазиятда лексик ёки грамматик теоним танловини амалга оширади ва у религиолектизмга айланади. Масалан, ўзбек тилида синонимик қатордаги сўзлардан кўп ҳолатларда биттаси ўзлашган, бошқаси туркий сўз ҳисобланади. Эътиқодчилар орасида ўзлашган ва ўз қатламга оид сўзлар параллел қўлланади, уларнинг бири илоҳиётга оид бўлса, иккинчиси умумхалқ ишлатадиган сўз бўлиши мумкин (*рукуъ* – ибодат пайтида сажда қилиш, *савоб* – олижаноб иш).

Албатта, диний лексика бўйича аввалги тадқиқотчилар томонидан амалга оширилган таснифлар ҳам, бизнинг таснифимиз ҳам диний тилни маркерловчи лисоний воситалар доирасини тўлиқ қамраб ололмаслиги мумкин, бироқ оламнинг диний манзарасини ташкил қилувчи асосий концептлар номлари ушбу таснифларда ўз ўрнини топган. Бу эса диний фразеологизмлар тадқиқини тизимли равишда амалга ошириш имконини беради.

XX асрда мафкуравий ўзгаришлар натижасида жонли тилда қўлланиши чекланган кўплаб лексемалар тилнинг нофаол қатламига ўтиб қолган ҳамда ўзбек тили луғатларида эскирган сўзлар сифатида қайд қилинган. XX аср охиридан бошлаб диний лексикага оид кўплаб сўзларнинг фаоллашиши кузатилди. Мазкур лексик сатҳ ижтимоий чекланган лексикадан умумхалқ ишлатадиган лексикага ўтиб бораётгани ва қўлланиш соҳаси кенгайиб бораётганлиги тўғрисида диний лексиканинг оммавий ахборот воситаларида, хусусан, матбуот, радио ва телевидениеда қўлланиш частотаси ўсиб бораётганлиги ҳам гувоҳлик беради. Ушбу ҳолат нафақат оғзаки нутқда, балки бадиий адабиётда ҳам асарлар сарлавҳасида ва матнида ўз аксини топмоқда: «Жаннатга йўл», «Одам ва Шайтон қиссаси» (А.Орипов); «Шайтанат», «Ҳалол нимаю ҳаром нима», «Иблис девори» (Т.Малик); «Қилкўприк» (Ш.Холмирзаев); «Руҳлар исёни» (Э.Воҳидов) ва ҳ.к. Бундан ташқари дунёга келган фарзандларини ота-оналар томонидан диний исмлар билан аташ ҳолати кенг тарқалди ва ҳатто баъзи диний антропонимлар халқ орасида оммалашиб кетганини айтиш мумкин: Ислом, Муҳаммад, Имрон, Имона, Мухлиса, Музайяна, Ҳадича, Ойша ва ҳ.к.

Шундай қилиб, мазкур сўзларнинг замонавий узусда қайта фаоллашуви улар ўзбек халқининг дунёни идрок қилиши билан мувофиқлиги, яъни лисоний олам манзарасига кириб боришидан далолат беради. Ислом билан, шунингдек, ўзбекларнинг ахлоқий асослари боғлиқ сўзларнинг фразеологизмларда қайта фаоллашуви аввал йўқотилган замон билан алоқани тиклаш имконини беради.

Адабиётлар:

1. *Телия В.Н*. Типы языковых значений: связанное значение слова в языке. – Москва: Наука, 1981. – 269 с.
2. *Григорьева Л.Л.* Фразеологическая репрезентация религиозного мира человека (на материале русского, английского и арабского языков): Автореф. дисс... канд. филол.наук. – Казань, 2009. – 21 с.
3. *Чикина Е.Е.* Фразеология в аспекте христианской культуры (на материале немецкого, английского и русского языков). Монография. Владимир: Изд-во Нижегор. гос. лингвист. ун-та им. Н.А.Добролюбова, 2004. – 300 с.
4. *Булавина С.В.* Русские устойчивые словосочетания, содержащие церковно-религиозную лексику: Дисс. …канд. филол.наук. – Воронеж, 2003. – 156 с.
5. *Хафизова З.Р*. Тематическая классификация религиозных лексем в башкирском языке. // Вестник Башкирского университета, 2018. – Т. 23. – № 1. – С. 206 – 209.
6. *Улуқов Н.М*. Ўзбекча диний матнлар экзотик лексикаси: Филол.фан.номз ...дисс. автореф. – Тошкент, 1997. – 29 б.
7. *Умархўжаев М.* Диний атамалар ва иборалар. Оммабоп қисқача изоҳли луғат. – Тошкент: Ғ.Ғулом номидаги нашриёт-матбаа ижодий уйи, 2016. – 220 б.
8. *Сирожиддинов Ш.С*. Диний-фалсафий таълимотлар ва Навоий дунёқараши //Алишер Навоий ижодий ва маънавий меросининг оламшумул аҳамияти. Халқаро илмий-назарий анжуман материаллари. – Тошкент, 2011. – Б. 82–86;
9. *Махмараимова Ш.Т.* Оламнинг миллий лисоний тасвирида теоморфик метафоранинг когнитив аспекти: Филол. фанлари бўйича фалсафа доктори (PhD) диссертацияси. – Қарши, 2018. – 151 б.
10. *Султонова Ш.М.* Муқаддас матнларда замон категориясининг лингвомаданий хусусиятлари. Филол. фанлари бўйича фалсафа доктори (PhD) диссертацияси. – Фарғона, 2018. – 160 б.
11. *Галиева М.Р.* Дунёнинг лисоний тасвирида диний-мифологик тафаккурнинг акс этиши: Филол.фан. докт. (DSc) дисс. автореферати. – Фарғона, 2019. – 77 с.
12. *Раҳматуллаев Ш.* Ўзбек тилининг фразеологик луғати. – Тошкент, Қомуслар бош таҳририяти, 1992. – 380 б.
13. *Садыкова М*. Краткий узбекско-русский фразеологический словарь. – Ташкент, 1989. – 336 с.
14.*Киквидзе И.Дж.* Сопоставительная теолингвистика: предмет и цели исследования // Политическая лингвистика, 2018. – № 2. – С. 115 – 118.
15. *Дубровина К.Н.*Энциклопедический словарь библейских фразеологизмов. – Москва: Флинта-Наука, 2010. – 840 с.

RELIGIOUS VOCABULARY AS AN INTEGRAL PART OF RELIGIOUS PHRASEOLOGICAL UNITS

Sh.M.Sultanova[1]

Ilmiy xabarnoma. Seriya: Gumanitar tadqiqotlar – Scientific Bulletin. Humanitarian Studies. 2020. 5(49). 115 – 121.

[1]Uzbek State University of World Languages, Tashkent, 100138, str.Kichik Halka Juli, 21a (Usbekistan). E-mail:www.uzswlu.uz

Keywords: *religious lexicon, religious phraseology, language, religion, lexical layer, lexeme, religiolect*

Religious lexicon is a unique vocabulary layer formed in each language under the influence of mythology and religion, which has a sufficiently wide range. This linguistic phenomenon, ie religious lexicon, can be described as an integral part of the existence of any society, an important factor in human development, as well as a cultural memory of the people as one of the forms of preserving the experiences of past ancestors.

This article analyzes the study of the relationship between religion and phraseology in world linguistics in the context of the activation of phraseological units in modern national languages, which include components representing basic religious concepts in the late twentieth century and now due to the growing importance of religion in the lives of peoples.

The topicality of this problem is explained by the lack of fundamental work on the special study of religious phraseology in the Uzbek language, given that Islam played an important role in the life of the Uzbek people at a certain period of historical development. The article lists the work of researchers to study the role of religious vocabulary in the language system because of changes in the social and political situation in our country in recent years. Religious vocabulary in Uzbek and Russian languages, which is part of religious

phraseology, is thematically classified: Names of the Creator; the prophets, their companions, the names of beings of supernatural power; the names of characters representing evil forces; names of mythological characters; names of places and events related to the afterlife; religious terms; naming people according to their beliefs; vocabulary related to worship, religious ceremonies, religious holidays, etc .; the names of concepts that do not conform to religious rules, that deny them.

In the twentieth century, as a result of ideological changes, many lexemes with limited use in the living language were transferred to the inactive layer of the language and recorded as obsolete words in Uzbek dictionaries. Since the end of the twentieth century, there has been an activation of many words related to religious lexicon.

Thus, the reactivation of these words in the modern sense indicates that they are consistent with the perception of the world by the Uzbek people that is, entering the landscape of the linguistic world. The reactivation of words related to Islam, as well as the moral foundations of the Uzbeks, in phraseology allows restoring the connection with the previously lost time.

References:

1.Teliya, V.N. (1981) *Tipy yazykovyh znachenij: svyazannoe znachenie slova v yazyke* [Types of linguistic meanings: the associated meaning of a word in a language]. Moscow: Nauka.

2. Grigor'eva, L.L. (2009) Frazeologicheskaya reprezentaciya religioznogo mira cheloveka (na materiale russkogo, anglijskogo i arabskogo yazykov): [Phraseological representation of the religious world of a person (based on the Russian, English and Arabic languages)]. Abstract of dissertation candidate of philological sciences. Kazan.

3. Chikina, E.E. (2004) *Frazeologiya v aspekte hristianskoj kul'tury (na materiale nemeckogo, anglijskogo i russkogo yazykov)* [Phraseology in the aspect of Christian culture (based on the material of German, English and Russian languages)]. Vladimir: Izdatel'stvo Nizhegorodskogo gosudarstvennogo lingvisticheskogo universiteta.

4. Bulavina, S.V.(2003) Russkie ustojchivye slovosochetaniya, soderzhashchie cerkovno-religioznuyu leksiku [Russian stable phrases containing church-religious vocabulary]. The dissertation for the degree of doctor of philological sciences. Voronezh.

5. Hafizova, Z.R.(2018) Tematicheskaya klassifikaciya religioznyh leksem v bashkirskom yazyke [Thematic classification of religious lexemes in the Bashkir language]. *Bulletin of the Bashkir University*.Vol. 23. No 1. Pp. 206-209.

6. Uluqov, N.M. (1997) O'zbekcha diniy matnlar ekzotik leksikasi [Exotic lexicon of Uzbek religious texts]. Abstract of dissertation for the candidate of philological sciences. Tashkent.

7. Umarxudjaev, M. (2016) *Diniy atamalar va iboralar. Ommabop qisqacha izohli lug'at* [Religious terms and phrases. A popular concise glossary]. Tashkent: G'afur G'ulom nomidagi nashriyot-matbaa ijodiy uyi.

8. Sirojiddinov, Sh.S.(2011) Diniy-falsafiy ta'limotlar va Navoiy dunyoqarashi [Religious and philosophical teachings and Navoi's worldview]. 'Alisher Navoiy ijodiy va ma'naviy merosining olamshumul ahamiyati' ['The universal significance of Alisher Navoi's creative and spiritual heritage']. Xalqaro ilmiy-nazariy anjuman materiallari [Proceedings of the International scientific-theoretical conference]. Tashkent. Pp. 82-86.

9. Maxmaraimova, Sh.T.(2018) Olamning milliy lisoniy tasvirida teomorfik metaforaning kognitiv aspekti [Cognitive aspect of theomorphic metaphor in the national linguistic description of the world]. Dissertation of the doctor of philosophy (PhD) in philological sciences. Karshi.

10. Sultonova, Sh.M. (2018) Muqaddas matnlarda zamon kategoriyasining lingvomadaniy xususiyatlari [Linguocultural features of the category of time in sacred texts]. Dissertation of the doctor of philosophy (PhD) in philological sciences. Ferghana.

11. Galieva, M.R. (2019) Dunyoning lisoniy tasvirida diniy-mifologik tafakkurning aks etishi [Reflection of religious-mythological thinking in the linguistic image of the world]. Abstract for the Doctor of philological sciences (DSc). Ferghana.

12. Rahmatullaev, Sh. (1992) *O'zbek tilining frazeologik lug'ati* [Phraseological dictionary of the Uzbek language]. Tashkent: Qomuslar bosh tahririyati.

13. Sadykova, M. (1989) *Kratkij uzbeksko-russkij frazeologicheskij slovar'* [Concise Uzbek-Russian phraseological dictionary]. Tashkent.

14. Kikvidze, I.Dzh. (2018) Sopostavitel'naya teolingvistika: predmet i celi issledovaniya [Comparative theolinguistics: the subject and objectives of the study]. *Political linguistics.* No. 2. Pp. 115-118.

15. Dubrovina, K.N. (2010) *Enciklopedicheskij slovar' biblejskih frazeologizmov* [Encyclopedic dictionary of biblical phraseological units]. Moscow: Flinta-Nauka.

Муаллиф ҳақида маълумот:

СУЛТОНОВА Шоҳиста Муҳаммаджоновна – филология фанлари бўйича фалсафа доктори (PhD), Ўзбекистон давлат жаҳон тиллар университети умумий тилшунослик кафедраси доценти.

E-mail: ms.sultana74@mail.ru